Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 4-iyun, seshanba № 67 (3260)

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Бола кулгуси оламни яшнатади. Ота-она учун фарзанди қувончидан улкан бахт йўқ. Уларнинг беғубор, оппоқ орзулар оғушида яшаши, ҳайратларга тўла олами ҳар қандай кўнгилни тозартиради.



Кулгусидан олам мунаввар

Ўзбекистонни бахтиёр болалар мамлакати, десак адашмаймиз. Зеро, юртимизда баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Мазкур йўналишларда амалга ошириб келинаётган тизимли ишлар бугун ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Бу борадаги муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ўтказилди. Ушбу тадбирга маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган болажонларни байрам билан табриклаб, уларга совғалар топширди. Хусусан, Меҳрибонлик уйларининг 30 нафар тарбияланувчисига болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 50 нафарга яқин фарзанди совғалар ва истироҳат боғлари, театрларга имтиёзли чипталар билан тақдирланди.

— Қувончимизнинг чеки йўқ, — дея таассуротини ўртоқлашди Тошкент шаҳридаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Азимжон Фозилов. — Шундай гўзал боғ қўйнида сайр қилиб, байрам томошаларидан баҳраманд бўлаяпмиз. Ёзги таътил даврида оромгоҳларда дам олиш имконияти берилгани эса бизни янада хурсанд қилди.

Шу куни болажонлар учун «Ўзбек давлат цирки», «Шош» қўғирчоқ театри, доирачилар, «Асал», «Ритм» болалар рақс гуруҳлари, «Камалак» ашула ва рақс ансамбли ҳамда бошқа мусиқий жамоаларнинг чиқишлари намойиш этилиб, турли қизиқарли ўйинлар ташкил этилди.

— «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги ишлар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилди, — дейди ЎзКУФК маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Масалан, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг жисмоний имконияти чекланган 6 нафар ўғил-қизига оналари билан биргаликда соғломлаштирилиши учун «Косонсой» санаторийсига 12 та имтиёзли йўлланма берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган, ота-она қаровисиз қолган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 7,5 минг нафари касаба уюшмалари ҳомийлигида музейлар, тарихий шаҳарлар, Қўғирчоқ театри, маданият ва истироҳат, Ботаника ҳамда Ҳайвонот боғларига, санъат саройларига олиб борилди. 140 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари топширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Хўжайли туманидаги 1- Республика Меҳрибонлик уйида тантанали байрам тадбири ташкил этилиб, тарбияланувчиларга 2 та компютер жамланмаси, 1 миллион сўмлик кийим-кечаклар совға қилинди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан эса ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандлари ва жисмоний имконияти чекланган 630 нафар ўғил-қизнинг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек ва Бобур номли истироҳат боғларига ташрифлари уюштирилиб, улар кўнгилочар аттракционларга бепул чипталар билан таъминланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган концерт дастурига касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, ногирон болалар «Мурувват» уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларининг Республика босқичи ғолиблари бўлган жисмоний имконияти чекланган болалар спорт жамоаларига компютер жамланмаси ва телевизор ҳадя этилди.

Мухтасар айтганда, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирлар ўғил-қизларимизга бир олам қувонч улашди.

Ўз мухбиримиз Аҳмад ТЎРА олган суратлар

2-саҳифа

САЁҲАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг юртимиздаги тарихий шаҳар ва қадамжоларга саёҳат қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Касаба сайр» шўъба корхонасининг ташкил этилгани, Самарқанд шаҳрида «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси қурилгани бунга яққол мисолдир.

Юрган — дарё

— Қирқ тўрт ўринли замонавий меҳмонхонамизда сайёҳлар учун барча шароит яратилган, — дейди «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси директори Фахриддин Розиқов. — Шинам хоналар, тренажёр зали, сауна, бассейн, ошхона дам олувчилар ихтиёрида.

Янги меҳмонхонанинг илк меҳмонлари Навоий вилоятининг Конимех, Учқудуқ туманлари ҳамда Зарафшон шаҳри таълим муассасалари ходимлари бўлишди. «Касаба сайр» шўъба корхонаси йўлланмаси билан саёҳатчилар Самарқандда икки кун бўлишди.

Зарафшон шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Хосият Бердиева бошчилигидаги сайёҳлар шаҳарнинг Регистон, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Имом Бухорий, Хўжа Дониёр авлиё қадамжолари зиёратида бўлишди. Шаҳардаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

— Умримнинг салкам қирқ йилини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишладим. Ўттиз йилки, бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчилик қилиб келаяпман, — дейди Конимех туманидаги мактаб-интернат ўқитувчиси Алмат Урметов. — Рости, Самарқандда бўлмагандим. Турмуш ўртоғим Зарифа Сандибоева билан аждодларимиз томонидан бунёд этилган тарихий обидаларни ҳайратланиб томоша қилдик.

— Турмуш ўртоғим Зарафшон шаҳридаги 2-мактабда инглиз тилидан дарс беради, — дейди Азамат Рашидов. — Касаба уюшмалари нафақат ходим, балки унинг оиласига ҳам ғамхўрлик кўрсатаётганлигидан мамнунмиз. Биз ҳам оилавий саёҳатга келдик. Менга «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасидаги шароит манзур бўлди. Кўҳна Самарқандни мириқиб томоша қилдик.

Учқудуқлик Севдиёр Сайфиддиновлар оиласи саёҳатга кенжатой Беҳрузни олиб келишибди.

— Самарқанд шаҳри телевизорда кўрганимдан ҳам гўзал экан, — дейди Беҳруз.

Хуллас, 40 га яқин навоийлик саёҳатчиларда Самарқанд сафари катта таассурот қолдирди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

АМАЛИЙ ЁРДАМ ТУФАЙЛИ

Тадбиркор савоб ишга қўл урди

Гулистон туман марказида ўтган асрнинг 80-йилларида қад ростлаган икки қаватли ресторан кейинги йилларда ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Туман ишбилармонларидан бири, «Жамшидбек» савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Илҳом Ғафуров хайрли ишга қўл урди. У ушбу иншоотни реконструкция қилиб, тўйхона бунёд этишга қарор қилди.

Тадбиркор ўз таклифини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Илҳом Аллашукуровга билдирди.

Касабақўм етакчиси ёрдамида тадбиркорнинг мақсади вилоят раҳбарларига етказилди. Вилоят ҳокими қарори асосида Деҳқонобод шаҳарчасидаги бино тадбиркорга хусусийлаштириб берилди. Касаба уюшма томонидан тадбиркорга бизнес режа тузиш, банкдан кредит олиш масалаларида ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Халқ банкининг туман бўлимидан 150 млн. сўм кредит ажратилди. Бинони таъмирлаш ишлари қисқа фурсатда якунланди. Муҳташам тўйхонада тўй-тантаналар ўтказиладиган катта зал, ошхона, концерт учун саҳна бунёд этилди. Иншоот атрофи ободонлаштирилиб, турфа хил мевали-манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. «Исломбек» номли ушбу тўйхонанинг очилиши туманда катта тантанага айланди.

Шу куни шаҳарчадаги икки нафар болажоннинг суннат тўйи ўтказилди. Қўли очиқ, саховатли тадбиркор Илҳом Ғафуров тўйболаларга ўз совғаларини тақдим этди.

Туман истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ташаббуси билан ушбу тўйхона қошида новвойхона ҳам иш бошлади. Тайёрланаётган қайноқ, мазали нонлар аҳоли дастурхонига файз киритмоқда. Муҳими, бу хайрли ишлар туфайли 25 нафар маҳаллий ёшлар иш ўрнига эга бўлди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ЁШЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ

Юртимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас ҳолда, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Аъзолар сони ошмоқда

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгашининг йиғилишида ҳам шу ҳақда сўз борди. Уни тармоқ Марказий кенгаши раиси Ш.Адилов бошқарди. Йиғилишда тармоқ Ёшлар кенгаши масъул котиби, Марказий кенгаш юристи Э.Абдуллаев Ёшлар кенгаши фаолияти тўғрисида, Марказий кенгаш раиси ўринбосари, Ёшлар кенгаши раиси А.Умаралиев галдаги устувор вазифалар хусусида тўхталдилар.

Ёшлар кенгаши аъзоси, Тошкент Турин политехника университети 3-босқич талабаси Олимжон Тўйчиев ёш олимларнинг илмий инновацион ишланмалари борасида олиб бораётган илмий кашфиётлари ҳақида маъруза қиларкан, университетдаги мехатроника марказининг имкониятлари, у ерда яратилаётган роботлар ва уларнинг имкониятлари бўйича сўз юритди. «Ўзметмашсаноат» Ёшлар кенгашининг ишини янада фаоллаштириш учун кейинги йиғилишларни мулоқот кўринишида шакллантириш ва тармоқ тизимидаги ташкилотлар иш фаолияти, яратилган шарт-шароитлар билан ёшларни жойларга чиқиб таништириб бориш таклифини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, тизимда ёшларнинг ўқиш, меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, маънавий дунёқарашини ўстириш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш мақсадида барча бўғинларда Ёшлар билан ишлаш тузилмалари ташкил этилган бўлиб, белгилаб олинган устувор йўналишлар бўйича 2012 йил ва 2013 йилнинг ўтган даврида тармоқ касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши тизимида қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган йил давомида тармоқ тизимидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва амалиёт ўтаётган касб-ҳунар коллежи талабаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, кам таъминланган ва коллежни имтиёзли диплом билан тугатганларга ишга жойлашгандан кейин энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди. 2012 йил давомида экспертизадан ўтказилган тармоқ тизимидаги корхоналар жамоа шартномаларига ёшларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга бағишланган алоҳида боб киритилди. Натижада бугунга келиб Ёшлар кенгаши аъзолари сони 35 минг нафардан ошди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

«Чинобод санаторийси» очиқ акциядорлик жамиятида ҳар йили минглаб одамлар дам олиб, соғликларини тиклашади. Бу ерга овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари туфайли келувчилар учун яқинда яна бир қулайлик яратилди.

OLYMPUS LUCERA

— Энди сўнгги русумдаги OLYMPUS LUCERA cv-260 аппарати орқали янада тўғри ва аниқ ташхис қўйилмоқда, — дейди санаторийнинг олий тоифали шифокори, эндоскопист Х.Очилова. — Шу тариқа оғир асоратларни келтириб чиқарувчи айрим яширин турдаги касалликларни ўз вақтида муолажа қилиш имконияти кенгайди.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ

САМАРҚАНД

Ургутда маҳаллий саноат ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Янтоқтепа маҳалласида фаолиятини йўлга қўйган «Ургут евротекс» корхонаси пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 12 нафар ёшни иш билан таъминлаган корхонага Хитойдан келтирилган 13 та янги замонавий дастгоҳ ўрнатилди. Амалдаги йилнинг ўзида бу ерда 70 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришга киришилди. Бу ерда яна 17 та янги дастгоҳ ўрнатилиб, маҳсулот турини кўпайтириш режалаштирилган.

Янги қувватлар ишга солиниши эвазига яна 15 та янги иш ўрни яратилади.

Мазкур турда маҳсулот ишлаб-чиқаришга ихтисослашган яна битта корхонага асос солинмоқда. «Озода элигант текстил» иш бошласа, йилига 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Ўз мухбиримиз

АНДИЖОН

Инсоннинг қўли гул, дейдилар. Бу гапнинг нақадар тўғри эканини асакалик тадбиркор Маъруфжон Отажонов яна бир карра исботлади. Марҳамат тумани «Асака адири» массивидаги ташландиқ жойда қад ростлаган «Онажон» чойхонасининг фойдаланишга топширилиши ҳудудни сўлим ва файзли гўшага айлантирди.

АДИРДА ЧОЙХОНА

Икки қаватли бинонинг тўлиқ ишга тушиши натижасида 700 та одамга бир йўла хизмат кўрсатиш имкони туғилди. Бу ерда ҳозирча 14 та янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорнинг режалари катта. Йил охиригача яна сайллар ўтадиган амфитеатр, бассейн, болалар майдончаси ва меҳмонхона қуриб битказилади.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона вилоят филиалининг Тошлоқ туман почта тармоғига қарашли Садда қишлоқ алоқа бўлими жамоаси қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлида меҳнат қилмоқда. Бўлимда ҳар йилги обуна мавсуми муваффақиятли якунланади. Ҳудуддаги 1707 нафар пенсионер ва ногиронларнинг нафақалари ўз вақтида эгаларига етказилаётир.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

— Бўлимимиз ходимларидан Раҳмат Қамбаров, Раҳмонберди Алимов, Миродил Ҳошимов сингари хабарчилар қишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Хат-хабарлар, жўнатма, бандероллар, оммавий ахборот нашрларини эгаларига етказиб беришда узвийлик таъминланган, — дейди бўлим бошлиғи Нигорахон Зияева. — Мижозларимиз мамнун.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ishonch
2013-yil 4-iyun № 67 (3260)

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Кўнгиллар тоғдек юксалди

Болалар кулгусидан-да беғубор, табассумидан-да нарса хилқат борми дунёда?! Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилаётган тадбирлар ҳам айнан шу мақсадни кўзда тутади.

Хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлган соҳа ходимларининг оиласи, фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳамда унинг Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда кенгайтирилган тадбир ташкил этди.

Унинг биринчи қисми Тошкент шаҳар ИИББ биносида меҳмонларни тантанали равишда кутиб олиш билан бошланди.

Бошқарма бошлиғи, полковник Мирсамад Адилов ҳамда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Якубов йиғилганларни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирди. Тинчлик ва осойишталигимиз йўлида жонини фидо қилган марду-майдонлар ёдга олиниб, уларнинг ёркин хотираси ҳамкасблари, қариндош-уруғлари, ватандошлари қалбида абадий яшаяжаги таъкидланди. Ана шундай қаҳрамонларнинг 27 нафар фарзанди моддий рағбатлантирилди ҳамда уларга ўқув қуроллари жамланмаси, эсдалик совғалари тақдим этилди. Тадбир иштирокчилари Бошқарма ҳовлисида ўрнатилган Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Шундан сўнг болалар ўзлари учун ажратилган автотранспортларда «Дисней Ленд» маданият ва истироҳат боғига йўл олдилар. Бу ерда турли аттракционларда ўйнаб-кулиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришди.

Тадбирнинг учинчи қисми пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этди. Боғда улар махсус тайёрланган тўкин дастурхон атрофида жамулжам бўлдилар. Ош сузилди, музқаймоқлар тарқатилди.

Кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгиллари тоғдек юксалган ўғил-қизлар қувноқ куй-қўшиқлар остида рақсга тушдилар. Тадбир ташкилотчилари томонидан болажонларнинг ҳар бирига ёз мавсумида мазкур боғдаги аттракционлардан бепул фойдаланиш учун чипталар тарқатилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Жорий йилнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари авж оладиган ёз-куз мавсуми — июн-ноябр ойлари давомида пойтахтимизнинг Учтепа тумани, Саноат ҳудудида жойлашган «DIMAX доимий фаолият юритувчи халқаро кўргазма-ярмаркаси»да «Коммунал таъмир — 2013» кўргазма-ярмаркаси доимий асосда ташкил этилади.

«Коммунал таъмир — 2013»

Матбуот анжуманида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ассоциацияси, профессионал бошқарув компаниялари ассоциациялари мутахассислари соҳага қаратилаётган эътибор, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, кўргазма-ярмарка пойтахтдаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларга хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарув компаниялари иштирокида жорий йилнинг 11 июнидан 21 июнигача давом этади.

— Мазкур тадбирда ҳукуматимиз томонидан коммунал соҳага берилаётган эътибор, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, уй-жой фондини бошқариш ва фойдаланиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда хизматларининг сифати ва самарасини ошириш учун ширкатлар ва профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш каби масалалар ўрганилади, — деди «DIMAX» МЧЖ раҳбари Ислом Ҳотамбоев. — Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 апрелдаги йиғилишида коммунал соҳага оид қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларни ширкатлар ҳамда профессионал бошқарув компаниялари фаолиятида жорий этиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ, кўргазма-семинар давомида ушбу ҳужжатлар тақдимоти ҳам ўтказилади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида уч мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларга хизмат кўрсатувчи юздан ортиқ профессионал бошқарув компанияси фаолият кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, шаҳарнинг коммунал хўжалиги ва кўпқаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун қурилиш-таъмир ишларига кўп турдаги, бир неча ўн миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари, асбоб-ускуналар керак бўлади. Қолаверса, мазкур кўргазма-ярмаркаси барча маҳсулотларни керакли ассортиментда, бир жойнинг ўзида, арзон нархларда харид қилиш имкониятини яратади.

Йўллар равон бўлади

Навбатдаги анжуман «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Замонавий, равон автомобил йўллари — обод турмушнинг муҳим омили» мавзуисида ташкил этилди.

Тадбир аввалида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Ш.Назаров мазкур компания тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантиришга доир изчил ишларни амалга ошираётганини таъкидлаб ўтди. Мамлакат миллий автомагистрали таркибига кирадиган 59 километрлик тўлиқ реконструкция қилинган тўрт бўлакли автомобил йўлини бунинг ёрқин мисоли дейиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган 21 километрлик халқаро аҳамиятга эга А-380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов участкаси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудидан ўтадиган 4 километрлик А-378 автомобил йўли ва бошқа участкалар шулар жумласидан.

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорида соҳанинг янги йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрда қабул қилинган «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзавтойўл» компанияси тасарруфига кирадиган корхоналар томонидан йил давомида умумий автомобил йўлларидан фойдаланиш, транспорт воситаларининг узлуксиз ҳамда хавфсиз ҳаракатини таъминлашга доир қатор ишлар амалга оширилаётир.

Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалдаги йилнинг ўтган беш ойида узунлиги қарийб 950 километрлик йўл таъмирланган.

Мутахассисларнинг айтишича, компания томонидан 2015 йилгача Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган яна 1487 километр йўлни қуриш, реконструкция қилиш, йўлларни тегишли ҳолатда сақлаш учун қўшимча техника ҳамда ускуналар сотиб олиш, йўл-қурилиш ва таъмирлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш, саноат базаларини модернизация қилиш режалаштирилган.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Акция доирасида

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида болажонларга завқ улашувчи тадбирлар ўтказди.

— Ўн нафар кам таъминланган оила фарзандига моддий кўмак кўрсатилди, — деди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими ходими Акбар Абдусаидов.

Ҳамкорликда шаҳарнинг Мотрид маҳалласидаги Ҳакимовлар хонадонида бўлдик. Касаба уюшма вакили оила аъзолари иштирокида Далер Ҳакимовга аталган совғани топширди.

Байрам муносабати билан Асрор Жўраев номидаги қўғирчоқ театрида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 200 нафарга яқин фарзанди учун «Нўхат бола» спектакли намойиш этилди.

Маънавий мадад

Ургутлик Отабек Тожиевга ҳар куни уйига келиб таҳсил бераётган устозлари илмли одам ҳар ишга қодирлигини уқтиришган. Шу боис ҳам Отабек китобдан бош кўтармайди. Хонадон аъзолари ҳам, муаллимлари ҳам унинг чуқур билим олиши, тенгдошларидан ортда қолмаслиги пайида бўлишади.

— Туманимизда туғма хасталиги боис тўшакка михланиб қолган 56 нафар бола бор, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши раиси Мадина Баратова. — Уларга махсус ўқитувчилар бириктирилиб, таҳсил тўлалигича уйларида олиб борилади. Биз ҳам ЎзКУФК ташаббуси билан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ёшларга имкон қадар кўмак кўрсатишга, маънавий мадад беришга интилиб келаяпмиз. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ана шундай болажонлардан ўн беш нафарини янги адабиётлар, ўқув қуроллари билан тўла таъминладик.

Меҳрибон Абдуҳамидова тумандаги 4-мактаб ўқувчиси. Гарчанд у тенгдошлари сингари чопқиллаб юролмаса-да дунёқараш, билимдонликда улардан қолишмайди. Ўқитувчилари уйига келиб дарс ўтишади.

— Касаба уюшмаларидан тортиқ этилган китоблар ва ўқув қуроллари менга манзур бўлди, — дейди Меҳрибон. — Бундай эътибордан сўнг янада астойдил ўқишга аҳд қилдим.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъуллари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт тизими бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ўрганиб чиқилди ҳамда фаоллар учун ўқув-семинар ташкил этилди.



Фаоллар учун

Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев бошланғич касаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги вазифалар юзасидан маъруза қилди. Унда жорий йилги устувор вазифалардан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини белгилаб олиш, бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ қатор масалаларга эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Марказий кенгаш бош мутахассислари томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида соғлиқни сақлаш муассасаларида соҳага оид ишларни талаб даражасида ташкил этиш, касаба уюшма маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди. Тиббиёт муассасалари ходимлари, талаба-ўқувчилари ўртасида маънавий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш ишларини ташкил қилишда тармоқ касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида сўз юритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Қаллибек Худойбергенов тизимда амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқ ва мавжуд муаммоларни касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш борасида тўхталиб ўтди.

Ўқув-семинарда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз

Замонавий технология шарофати

Сариосиё туманидаги «Одил Хол» кичик корхонасида маҳаллий хом ашёдан замонавий технология асосида 30 турдаги уй ва офис мебеллари тайёрланмоқда.

Ишчилари асосан ёшлардан иборат корхонада харидорларга сифатли, шинам ва қулай жиҳозларни тақдим этиш, иш суръати ва самарадорлигини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида буюртма асосида 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Айни вақтда корхонада маҳсулот турини янада кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва уларга коллеж битирувчиларини жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Жалолиддин Эшқувватов.
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Инсон умрини йиллар эмас, балки умр давомида тинчлик-фаровонликни сақлаш йўлидаги жонбозликлар, одамларга эзгулик улашиш, уларни илму-маърифатга чорлаш борасидаги тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат безайди. Бундай умр бошқалар учун ҳам ибрат ҳисобланади.

Эзгуликка

Мухтор Расуловни ёшликдан одамларга илму-зиё тарқатиш сир-синоати ром этиб, унга ҳеч тинчлик бермай, ўз сеҳрига тортиб келди. Бу қизиқиш уни ўрта мактабдан сўнг Тошкент педагогика билим юртига бошлади. 1940 йилда билим юртини битирган, ёш мутахассисни Паркент тумани Чангиҳисорак қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабга юборишди. Ёш Мухтор бирварақайига кўпдан-кўп муаммоларга дуч келди. Ўша даврда мактабларда ўқитувчилар етишмас, улар бир дарсдан чиқиб, навбатдаги дарсга киришга мажбур бўлар, нафас ростлаб олиш учун ҳам вақт етишмасди. Айниқса, ўша паллада амалда бўлган эски лотин ёзуви ўрнига бирданига ҳеч қандай тайёргарликларсиз крил ёзувининг киритилиши бу жараёнларни янада мураккаблаштириб юборди.

Бу орада Мухтор ҳарбий хизматга чақирилиб, Воронеждаги ҳарбий учувчилар мактабига сафарбар қилинди. Дарсларнинг рус тилида олиб борилиши, илгари ҳеч қандай кўникмага эга бўлмаганлардан чанғида юришнинг талаб қилиниши каби ҳолатлар қўшимча ҳаракат, куч-ғайрат ва тиришқоқликни талаб қилар эди, албатта.

...Тўсатдан бошланган мудҳиш уруш тинч-осуда ҳаётни издан чиқариб юборди. Ҳарбий учувчилар мактабидаги икки йиллик ўқиш ҳам бир йилга етмасдан поёнига етди. Мухтор янги ташкил этилаётган авиация полкига жўнатилди.

Мазкур полк ҳали деярли шакланмаган эди. Тажрибали учувчилар етишмас, ёш учувчиларнинг кўпчилиги эса Расулов сингари ҳеч қандай амалиётга эга эмас эди.

1941 йилнинг июл ойида Мухтор биринчи бор жангга кирди. Шу тариқа ўлим билан неча бор рўбарў келиб, айрим пайтларда ажал чангалига тушиб қолишига бир баҳя қолди.

Бугунги кунда Расуловнинг шахсий архивида сақланаётган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар орасида мудофаа архивидан олинган материаллар ҳам бўлиб, уларда Мухтор Расуловнинг бутун уруш мобайнида 100 дан ортиқ жанговар парвозларни амалга оширганлиги, булардан 60 дан ортиғи разведка эканлиги, учта душман самолётини уриб туширганлиги баён этилган. Расулов эскадрильясининг Берлин разведкасига биринчи бўлиб кирганлиги ўша даврда ҳарбий сураткашлар томонидан ишланган плакатда акс эттирилиб, кўплаб жойларга илиб қўйилган эди.

Инсоният тарихида ўчмас доғ бўлиб қолган мудҳиш урушда кўрган-кечирганлари муаллифнинг ўзи томонидан қайноқ хотиралар асосида ёзилган «Алангали йилларим» (Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003) номли китобда батафсил баён этилган.

Мухтор Расулов фронтдан қайтгач, бир қанча муддат масъул лавозимларда ишлади. Аммо педагог ва мураббийликка бўлган муҳаббат уни 1951 йилдан бошлаб яна таълим тизимига қайтишга ундади. Ўз педагоглик фаолиятини ассистентликдан бошлаган Расулов Самарқанд кооператив институти ректори лавозимигача кўтарилиб, мазкур олийгоҳга кўп вақт раҳбарлик қилди.

Институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига жавоб берувчи юксак малакали мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш, ўқув-тарбиявий, илмий ишларни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Қисқа вақт ичида Марказий Осиё республикаларида институт филиалининг очилишига катта ҳисса қўшди. Технология мутахассислиги бўйича Болтиқбўйи республикалари, Новосибирск ва бошқа шаҳарларда ўқув гуруҳлари ташкил этди. Хулласа, беш йил давомида талабалар сони 1800дан 7500 нафарга етди.

Албатта, талабалар сонининг ошиши муаммолар ҳал этилганидан дарак бермас, аксинча, зудлик билан ечимини топиш лозим

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Китоб туманилик Нафиса Самадова плазма телевизор сотиб олиш учун Шаҳрисабздаги «Минг хил буюмлар» савдо дўконига кирди. Дўкон сотувчиси С. Эргашев унга замонавий телевизорларнинг имкониятлари, сифатини оғиз кўпиртириб мақтай кетди. «Пулингиз ўзингиз билан кетади, опа», — деди у. Сотувчи бир неча турдаги маҳсулотларни кўрсатгач, 640 минг сўмлик телевизорни уч йилга кафолат муддати билан «яхши кунларингизга буюрсин», дея кузатиб қўйди. Бироқ бир ойдан сўнг телевизорнинг тасвир сифати кескин ёмонлашди...

Телевизор сифатсиз экан

Фуқаро дўкон маъмурларига маҳсулотни бошқасига алмаштириб бериш масаласида мурожаат қилганида устига қўшимча пул бериш кераклигини айтишди. Сарсон бўлган харидор истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этди.

Шикоят Шаҳрисабз туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати томонидан ўрганилиб, Н.Самадовага сотилган телевизор сифатли таъмирланиб, янги экранга алмаштириб берилди. Истеъмолчига етказилган зарар савдо ходимлари томонидан қопланди.

Қарздорлик бекор қилинди

Чироқчи туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Қаҳрамон Абдурайимов электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан 769 530 сўм нотўғри қарздорлик ҳисобланганлиги ҳақида мурожаат қилди. Текшириш ўтказилганда унинг корхонадан ҳеч қандай қарзи йўқлиги, бу масъул ходимларнинг хатоси эканлиги аниқланди.

— Жамиятимиз ходимлари истеъмолчилар ҳуқуқларини тиклашда мамлакатимиз қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб фаолият юритади, — дейди туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Н. Ботиров. — Жорий йилнинг биринчи чорагида 21 нафар фуқаронинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди. Мисол учун, Муродулла Дониёровга электр токи бўйича ҳисобланган қарздорлик нотўғри эканлиги аниқланиб, бекор қилинди. Фаолиятимизга оид бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳам анъанага айланган. Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, Чироқчи туман тиббиёт бирлашмаси жамоалари ўртасида давра суҳбатлари ўтказилиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кенг тушунтирилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

Насос сув тортмади

Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи Н. Шокирова «Қўйлиқ қурилиш моллари бозори»даги дўкондан бир йиллик кафолат муддати билан 450 минг сўмга ҳовлисидаги артезиан қудуққа ўрнатиш мақсадида электр сув тортиш насоси харид қилди. Бироқ бу қурилма носоз чиқди.

Н. Шокирова сотувчидан насосни алмаштириб бериш ёки маблағни қайтаришни сўради. Талаби қондирилмагач, у Бектемир туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига шикоят қилишга мажбур бўлди. Жамият ходимлари дўкон мутасаддиларига «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари қўпол равишда бузилаётгани, бунинг учун мамлакатимизда маълум жазо чоралари қўлланишини тушунтирди. Жумладан, қонуннинг 13-моддасида истеъмолчи, агар товарнинг нуқсонлари кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган товарлар бўйича эса олти ой мобайнида маълум бўлиб қолса, шунингдек, товарнинг нуқсонлари тўғрисида шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган:

- товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;
- товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;
- харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
- шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чеки, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлилиги бўйича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади. Техник паспорт йўқотиб қўйилган бўлса, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Сотувчига юқоридаги қонун талаблари батафсил айтиб ўтилгандан сўнг насос сифатлисига алмаштириб берилди.

Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосланиб юқоридаги каби фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиб бораяпти.

Ўтган йили жамият ходимлари томонидан фуқароларнинг 44 та шикоят ва аризаси ўрганиб чиқилиб, истеъмолчилар фойдасига 19 657 000 сўмдан ортиқ маблағни ундириб беришга эришилди.

Шунингдек, тумандаги ташкилот ва муассасаларда истеъмол маданиятини оширишга доир 16 бор ўқув семинарлари, 55 маротаба давра суҳбатлари ташкил этилди. Натижада туман жамиятининг аъзолари сони ортиб, 1076 нафарга етди. Жорий йилда ҳам белгиланган вазифаларга амал қилиб, 3 марта ўқув семинарлар ва 11 маротаба давра суҳбатлари ташкил этилди.

Шу ўринда аҳолидан қабул қилинаётган шикоятларнинг аксарият қисми коммунал хизмат ва савдо соҳасига оидлигини айтиб ўтиш лозим. Коммунал тўловларни ҳисоблаш жараёнида масъул ходимлар томонидан камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳамда савдо ходимларининг етарли малака ва билимга эга эмаслиги юқоридаги каби ҳолатларга олиб келяпти. Бугунги кунга қадар туман жамияти ходимлари томонидан шу масалаларга оид 15 та шикоят ўрганилиб, истеъмолчиларга 3 656 000 сўмдан ортиқ маблағ қайтарилди.

Ҳусниддин НОРБЎТАЕВ,
Бектемир туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати раиси

Музқаймоқлар...

Ёзнинг жазирама кунларида бир пиёла муздек сув ёхуд музқаймоқ билан чанқоқни қондиришга не етсин. Таъкидлаш зарурки, бугунги кунда бундай қадоқланган маҳсулотлар турларини санаб адоғига етиш қийин.

Аммо кенг истеъмолга чиқарилаётган ранг-баранг сифат ва ҳажмдаги маҳсулотларнинг сифати, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати ҳамда улар билан савдо қилишга тегишли меъёрий ҳужжатлар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига нечоғли жавоб беради? Бу маҳсулотларни кўрганимизда қадоқлари, идиш ва қоғозларига қараб давлат рўйхатидан ўтган, барча давлат назорат органлари рухсати билан ишлаб чиқарилаётган деб ўйлаймиз. Лекин баъзи ҳолларда маҳсулотларга яроқлилик муддати кўрсатилмаётгани кузатилмоқда.

Айниқса, музқаймоқлар ўрамида бундай ёзувни топиш амримаҳол. Бунинг устига, иссиқдан томоқ қуриб турганда, ишлаб чиқариш муддатига қараш ёдимиздан кўтарилади. Ушбу вазиятда ҳеч ким маҳсулотнинг зиён келтирмаслигига кафил бўла олмайди. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётганда ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, уни қандай шароитда сақлаш тўғрисидаги маълумотларга эътибор бериш лозим. Иложи борича штрих коди бор маҳсулотларни харид қилган маъқул. Харид қилаётганда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тўғрисида маълумот, маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини сўрашга ҳақлисиз.

Гавҳар САГАТОВА,
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ижро этувчи аппарати матбуот ва ахборот сектори мутахассиси

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Турмуш ўртоғим ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган. Ҳозирда хусусий дўкон очиб тадбиркорлик билан шуғулланади. Дўконимиз ер ёки мол-мулк солиғига тортиладими?

Д. БОБОЖОНОВА, Тошкент шаҳри

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан фуқаролар — жисмоний шахслар Солиқ кодексида белгиланган тартибда мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Кодексда ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар ижтимоий адолат принципларига мос равишда белгиланган.

Унга кўра, мол-мулк солиғи бўйича — «Ўзбекистон Қаҳрамони», собиқ Иттифоқ Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган фуқаролар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан, у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахслар), қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерлар, I ва II гуруҳ ногиронларига қарашли мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди. Мазкур имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Ушбу имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

Ҳотам СУЛТОНОВ,
Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи

бахшида умр

бўлган янгидан-янги вазифаларни келтириб чиқарар эди. Масалан, бу бир томондан ўқитувчилар сонини кескин оширишни тақозо этса, бошқа томондан, талабалар ва ўқитувчиларни турар-жой билан таъминлаш учун катта қурилиш ишларига туртки берди. Бу каби муаммо ва қийинчиликлардан, масъулиятдан чўчимаган Расулов биринчилар қаторида муҳтож талабаларни яшаш жойи — ётоқхона билан тўлиқ таъминлашга муваффақ бўлди.

Ўқитувчи, мураббийликнинг ҳам масъулиятли, ҳам шарафли жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни тўлиқ ҳис этган ва ўзаро уйғунликда олиб борган инсонгина мазкур касбнинг ҳақиқий эгасига айланади. Ушбу ҳаётий қоидани яхши англаб етган Мухтор Расулов ўзининг илмий салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида 1958 йилда номзодлик диссертациясини, 1973 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий-тадқиқот фаолияти даврида катта илмий изланишлар олиб бориб, улар асосида 260 га яқин ишларни, жумладан, бир неча монография ва дарсликларни нашр эттирди.

Мухтор Расулов илмий педагогик кадрларни тайёрлашда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатди. Миллий университет қошида ташкил этилган Ихтисослашган Кенгашга раислик қилган даврида (ўша вақтда Марказий Осиё республикалари бўйича Кенгаш битта эди) ёш миллий кадрларни, шунингдек, бошқа республикалар, хорижий мамлакатлардан келган ёш изланувчиларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратди. Бевосита ўзининг илмий раҳбарлиги остида 32 нафар фан номзоди, 4 нафар фан доктори тайёрланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши Мухтор Расуловга янги куч-ғайрат, илҳом бахш этди, илмий-педагогик фаолиятида янги қирраларнинг очилишига сабаб бўлди.

Зеро, Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаши, миллий иқтисодиётни бутунлай ўзгартирган ҳолда, замонавий иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги катта ислоҳотлар, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини жорий этиш жараёнлари илмий-педагог кадрлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Ушбу вазифаларни чуқур англаган ва тасаввур этган ҳолда Мухтор Расулов бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига хос мураккаблиги, хусусиятлари, мамлакатимиз иқтисодиётини янгидан барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмуни-моҳияти ҳамда эришилаётган ютуқларини талаба-ёшларга, ёш ўқитувчи ва мураббийларга, турли корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимларига, қолаверса, кенг оммага етказишдек масъулиятли жараёнларда фаол иштирок этди.

Иқтисодиёт соҳаси учун зарур бўлган замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлашда бозор иқтисодиётига тааллуқли учта фанни ўқитиш жараёнига киритиб, улар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнлари тайёрлади. Булар: «Бозор иқтисодиёти асослари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1998); «Ижтимоий-руҳий менежмент» фанидан ўқув қўлланма (Тошкент, 2007); магистратура тингловчилари учун "Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси», «Бозорни ижтимоий тартиблаштириш» фанларидан маърузалар матни (Тошкент, 2005)).

Шунингдек, талабаларга бозор иқтисодиётига оид билимларни беришда ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш жараёнларига катта эътибор қаратиб, юқорида қайд этиб ўтилган фанлардан ўқитиш технологияси, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаб, уни алоҳида китоб шаклида нашр этишга муваффақ бўлди. Кўплаб фанлардан намунавий ва ишчи ўқув дастурларини тайёрлашда фаол иштирок этди, вақт ва имконият топиб ёш ўқитувчилардан соҳага оид тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларини аямади.

Мухтор Расулов кадрлар тайёрлашда тарбиянинг аҳамияти, инсон маънавиятининг ролига алоҳида ёндашади. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги тўғрисидаги қоида унинг ҳаётий принципларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчи ва талабалар, турли идора ва ташкилотлар меҳнат жамоалари билан учрашиб, маънавиятга оид мавзуларда суҳбатлар олиб бориш ҳам устоз учун оддий бир ҳолдир. Айни пайтда юртимиз мустақиллиги, истиқлол келтирган имкониятлар, мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарор ҳаёт буюк неъмат эканлиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этиб келинаётган муваффақиятлари тўғрисида турли маърифий кечалар, давра суҳбатлари ва учрашувларда мароқ билан сўзлаб, ҳеч ҳам чарчамайди.

Бугунги кунда юқоридаги сатрлар қаҳрамони, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — устоз Мухтор Расулов 90 ёшни қаршиламоқда. Энг муҳими, ҳамон ўзи танлаган шарафли касбни давом эттириб, фаол илмий-педагогик ишларни олиб бормоқда. Инсон умрининг мазмуни унинг жамият олдида қилган эзгу амаллари билан баҳоланади, деган қоидани ўзининг ҳаётий принципига айлантирган олим бугунги кунда ҳам ушбу ақидага қатъий амал қилиб яшаётир.

Убайдулло ҒАФУРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири.
Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 26.01.2013 йилдаги 9-8-сон ва 30.04.2013 йилдаги 11-9-сонли қарорларига мувофиқ, Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 20.05.2013 йилдаги 16-38о-сонли қарорига асосан Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «ГБА СНГ Газ-31105-801» русумли, д/р 80/655НАА бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 440 368 сўм. 2. «Газ-310290010» русумли, д/р 80/029МАА бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 139 792 сўм. 3. «ГБА СНГ Газ-3110» русумли, д/р 80/031МАА бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 342 560 сўм. 4. «Матиз» русумли, д/р 80/141МАА бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 408 755 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 июл куни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 2 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 4 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 11 ва 18 июл кунлари соат 15:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 11 июлдаги такрорий савдолар учун 9 июл куни соат 18:00; 18 июлдаги савдолар учун 16 июл куни соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. **Гувоҳнома №006231**.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчаси, 0-1,8 км. қисмининг реконструкция ишлари. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Сайилгоҳ кўчасидаги кўприкни реконструкция ишлари (мўлжал-«Аския» кафеси)»

Муддати –**30.11.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **5 433 882 600 сўм ҚҚС билан; 4 528 235 500 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37, тел.(373) 400-52-80, 224-24-33 (факс).

Қурилиш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: кўприкни реконструкция қилиш учун махсус лицензияга субпудратчи ёки бош пудратчи эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.*

«NAMANGAN RIELTKR SAVKK» МЧЖ

Сизларни 2013 йил 5 июл куни соат 11-00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Республика хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 майдаги 75/ас-ер-сонли буйруғига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириш шарти билан, умрбод эгалик қилиш учун, сатҳи 0.04 га.дан иборат қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Янгиқўрғон тумани Заркент ҚФЙ ҳудудидаги 64-75-контурдан 19,27,30,31,35,36,37,40,45,52,75-сонли 11 дона ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 54720 сўмдан, закалат миқдори 30000 сўмдан.

2. Янгиқўрғон тумани Шарқ Юлдузи ҚФЙ ҳудудидаги 1630-контурдан 31,32-сонли 2 дона ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 54720 сўмдан, закалат миқдори 30000 сўмдан,

3. Косонсой шаҳар Обод МФЙ ҳудудидан 16-сонли ер майдони, бошланғич баҳоси 155 840 сўм, закалат миқдори 150 000 сўм,

4. Поп шаҳри, Парда Турсун кўчаси ҳудудидан 2,5-сонли, 2 дона ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 300 000 сўм, закалат миқдори 100 000 сўм.

Аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 17:00га қадар Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 15-хонада қабул қилинади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг белгиланган миқдорда закалат пулини «Namangan Rieltor Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302162066, 20208000704949150001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу кунда сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 11,18,28 июл кунлари соат 11:00да ўтказилади, мазкур савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо ўтказиладиган кундан 1 кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот учун манзил: «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, тел: 8 (369) 226-41-66, **www.nrs.uz, e-mail: 1nrs@mail.ru. Лицензия № RR-0099**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Чинобод» санаторийси ОАЖ олий тоифали шифокор Гулчеҳра Тўрахўжаевага онаси

ЎҒИЛОЙ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ishonch
2013-yil 4-iyun № 67 (3260)

«ЁЗ — 2013»

Marokli dam

Бухоро шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Шодлик» кундузги оромгоҳи ёзги таътилга чиққан ўғил-қизлар билан гавжумлашмоқда.

Оромгоҳда 160 нафар ўқувчининг мароқли дам олиши учун барча шароит яратилган. Ўғил-қизларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари инобатга олиниб, янги тўгараклар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилди. Интерфаол усулларда ўтказилаётган машғулотлар болаларга манзур бўлмоқда. Оромгоҳдаги икки ярим мингга яқин китоб фондига эга кутубхона ҳам уларнинг хизматида.

Суратда: «Шодлик» оромгоҳида. Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

Саломатлик гарови

Кейинги пайтда спорт тадбирларига эътибор кучайди. Мақсад — аҳолини спортга янада кенгроқ жалб этиш, шунингдек, одамларга тетиклик улашиш.

Пойтахтимиздаги «Юзработ» спорт мажмуасида Обод турмуш йили муносабати билан Машинасозлик соҳалари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамкорлигида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида Тошкент трактор заводи цех жамоалари ўртасида спартакиада ташкил этилди.

Бир юз олтмишдан ортиқ ходим мини футбол, тош кўтариш, эстафета баҳсларида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мини футбол беллашувларида 31-цех жамоаси ғолибликни қўлга киритган бўлса, ТТЗ-Металл ва 9-цех жамоалари кейинги поғоналарни банд этди.

Тош кўтаришда Д. Каменскийга тенг келадигани топилмади. 2-ўрин М. Саидмуродовга насиб этди. 3-ўринни эса Д. Хабибузин ўзиники қилди.

Ҳаваскор спортчиларга олам-олам завқ улашган эстафета баҳсларида 24-, 4-, 9-цех жамоалари шоҳсупадан жой олди.

— Бугунгидай мусобақалар ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга, улар ўртасида спортга бўлган муносабатларнинг янада яхшиланишига хизмат қилади, — деди Д. Каменский.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Дилларга завқ улашиб...

Коллеж талабалари ўртасида спортни оммалаштириш, ёшларга баркамоллик бахш этишда мусобақалар катта аҳамиятга эга.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан, Обод турмуш йилига бағишлаб тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида ташкил этилаётган спортнинг мини футбол ва волейбол турлари бўйича баҳслар тобора қизғин тус олмоқда.

Самарқанд шаҳрида мусобақанинг иккинчи ҳудудий босқичи ўтказилди. Унда Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари биринчи босқич ғолиблари куч синашишди.

Мини футбол бўйича ўғил болалар баҳсида қашқадарёлик талабаларнинг қўли баланд келди. Волейбол бўйича қизлар ўртасида эса самарқандликларга тенг келадигани топилмади.

Умумжамоа натижалари бўйича Самарқанд шаҳар транспорт ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси 1-ўринни эгаллаб, мусобақанинг финал босқичига йўл олди.

Иштирокчилар учун шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор ёдгорлик ва зиёратгоҳларига саёҳат ташкил этилди.

— Бундай мусобақаларда куч синашиш одамга завқ бағишлайди. Тарихий қадамжоларга уюштирилган саёҳат учун ташкилотларга мингданминг раҳмат, — дея ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди ўқувчилар.

Ўз мухбиримиз

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон Бадиий академияси Кўргазмалар залида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Ер куррасида тинчлик» Республика расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган бу тадбирда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўз ижод намуналари билан иштирок этишади.

Тинчлик тасвири

Икки босқичда ташкил этилган бу йилги кўрик-танловда 100 дан ортиқ расм сараланди. Уларда юрт тинчлиги, равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар акс этган. Расмларни кузатар эканмиз, ҳар бир бола ўзгача олам эканлигига амин бўлдик.

Ижод намуналари таниқли рассомлардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида Хоразм вилояти Хива тумани 2-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Доно Ҳайитова («Ер куррасида тинчлик» асари) 1-ўрин, Самарқанд шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Бузругмехр Акбарзода («Мой друг Джахонгир» асари) 2-ўрин, Марғилон шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Саидкамол Хўжаев («Ер куррасида тинчлик» асари) 3-ўрин соҳиби бўлишди. 7-11 ёшлилардан эса Самарқанд шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчиси Фарзона Мажидийнинг «У нас родился братик», Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 1-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Шаҳноза Юнусованинг «Қариялар кураши», Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани 65-мактаб 5-синф ўқувчиси Атабек Алибековнинг «Ер куррасида тинчлик» асарлари ғолиб деб топилди. 12 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар ўртасида Самарқанд шаҳридаги 55-мактаб ўқувчиси Сабина Маҳмудова «Болалар қувончи» асари учун 1-ўринга, Навоий вилояти Навбаҳор тумани 37-мактаб 8-синф ўқувчиси Чарос Маматова «Тинчлик» асари учун 2-ўрин, Бухоро вилояти Шофиркон тумани 6-мактаб ўқувчиси Моҳичеҳра Расулова «Она алласида тинчлик» асари учун 3-ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича 7 нафар ғолиб номи аниқланди. Улар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда «Анён» болалар рақс тўгараги ва «Ором» гуруҳи аъзолари ижросидаги ажойиб рақслар кўнгилларни хушнуд этди.

Сарвиноз ТЎХТАЕВА, Мунира МУҲАММАДИЕВА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Олдинда — республика босқичи

Автомобилсозлар маданият ва спорт саройида меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, бадиий ҳаваскорликка қизиқишини кучайтириш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳаваскор санъаткорларнинг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туман таълим, фан ва маданият ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси кенгашларининг 90 нафардан ортиқ ҳаваскорлари ўз дастурлари билан қатнашди. Иштирокчилар томонидан юртимизни мадҳ этувчи миллий куй-қўшиқ, рақс, лапарлар ижро этилди.

Якуний натижага кўра, «Автомобилсозлар» маданият ва спорт саройининг «Калинушка» жамоаси (анъанавий ижрочилик), Миробод тумани 60-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шоира Қарахўжаева (эстрада қўшиқчилиги), Сергели тумани 301-умумтаълим мактабидан Суяровлар оиласи (якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги), Сергели тумани 589-МТМ тарбиячиси Зулфия Нурмуҳамедова (якка рақс ижрочилиги), Мирзо Улуғбек тумани 221-умумтаълим мактабининг «Виктория» рақс ансамбли жамоаси (жамоа рақси ижрочилиги) йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўл олдилар.

— Бугун бир-биридан ажойиб чиқишларнинг гувоҳи бўлдик, — деди ҳакамлар ҳайъати раиси Фарҳод Жўраев. — Ҳар бир иштирокчи пухта ҳозирлик кўрганини намойиш этди.

— Танловда оилавий бўлиб, «Ҳайрона» куйини ижро этиб, «Якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги» йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлдик, — дейди Сергели тумани 301-мактаб рус тили фани ўқитувчиси Эркиной Суярова. — Туман босқичида «Наврўзи ажам» куйини ижро этиб, ғолибликка эришгандик. Энди республика босқичида ҳам ғолиб бўлиш учун астойдил тайёргарлик кўрамиз. Кези келганда, истеъдодларимизни намойиш этиш учун ўтказилаётган танловнинг бошида турган касаба уюшма ташкилотлари катта савобга қўл урганликларини таъкидламоқчиман.

Танлов ғолибларига эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди. Ғолиблар республика босқичида иштирок этадилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ, Ishonch» мухбири

Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзусида маънавий-маърифий кеча ташкил этилди.

Намунали оилалар

Тадбирда «Энг намунали шифокорлар оиласи», «Энг яхши тадбиркорлар оиласи», «Энг намунали китобхон оиласи», «Энг намунали зиёлилар оиласи» номинациялари ғолиблари аниқланди.

Улар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбир сўнгида коллеж бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари концерт дастури намойиш этишди.

М. МАҲМУДОВ

Санъатим сенга, обод юртим!

Гулистон шаҳрида «Санъатим сенга, обод юртим!» ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 98 та ҳаваскор анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги ва жамоа рақси ижрочилиги бўйича маҳоратини кўрикдан ўтказди.

— Санъатга кириб келишим мактаб даврида бошланган. «Дилрабо» болалар фолклор ансамблининг фаол иштирокчиси эдим. Ансамбл билан биргаликда бир неча марта чет эл сафарларида бўлганман, — дейди Республика бизнес мактаби Сирдарё вилоят филиали директори Икром Қорабоев. — Талабалик йилларида ҳам қўшиқчилик билан шуғулландим. Мазкур кўрик-танловда «Саодатим» номли қўшиғим билан қатнашиб, эстрада қўшиқчилиги йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби бўлдим.

Ғолиблар республика босқичига йўлланма олишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА

«ҲАМШИРА — 2013»

Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Йўлланма нақд

Тадбирда соҳанинг қуйи саралаш босқичларида ғолибликка эришган 30 ёшгача бўлган ҳамширалардан 13 нафари ўзаро баҳс юритишди. Улар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини кенг доирада тарғиб этиш, тиббий хизмат маданиятини юксалтириш, ҳамшираларнинг касбий билимлари, истеъдодларини амалда намойиш қилиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга шарт-шароит яратиш, ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш мақсадида Обод турмуш йили муносабати билан ташкил этилган беллашувда ўз имкониятларини синаб кўрдилар.

Танлов иштирокчилари дастлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида беморларни қабул қилиш, буюрилган муоалажаларни дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида бажариш маҳоратларини намойиш этишди. Шу жараёнда лаборатория маълумотлари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида олинган таҳлилий натижаларга қараб касаллик белгиларини аниқлаш, муайян юқумли касалликлар тарқалиши ёки эпидемиологик хавф туғилганда қўлланиладиган чора-тадбирлар бўйича уларнинг назарий билимлари, ижтимоий-сиёсий тушунчалари синовдан ўтказилди. Шундан сўнг ҳамширалар бадиий шарт асосида саҳнада истеъдодларини кўрикдан ўтказишди.

Бухоро шаҳридаги 7-поликлиника ҳамшираси Шаҳноза Собирова энг юқори балл тўплаб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўрин вилоят кордиология диспансери ҳамшираси Наргиза Идиевага насиб этди. Тенг балл тўплашга эришган Когон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Моҳигул Исмоилова ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси вакили Динара Ҳакимова учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 1 3 4 5